Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

70812306 – Сув тежамкор суғориш технологиялари **магистратура мутахассислигининг малака талаблари**

Тошкент

ЎзР ОУМТВ
Буйрук № 356
« 11 » 08 2021 йил

ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН ВА КИРИТИЛГАН:

- Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти.

ТАСДИҚЛАНГАН ВА АМАЛГА КИРИТИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Олий ва ўрта махсус, профессионал таълим йўналишлари бўйича ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг 2021 йил «17» 08 даги 3 - сонли йиғилишида маъқулланган.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2021 йил «18» 08 даги 356 - сонли буйруғи билан тасдиқланган.

ЖОРИЙ ЭТИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги.

Мазкур Малака талаблари "Олий таълим давлат таълим стандарти. Асосий қоидалар", "Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари класификатори", Ўзбекистон Республикаси Миллий малака рамкасига мувофиқ ишлаб чиқилган ва расмий меъёрий-услубий хужжат ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаМалака талабларини расмий чоп этиш ҳуқуқи Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига тегишлидир.

МУНДАРИЖА

Т/р		бет
1.	*70812306 – Сув тежамкор суғориш технологиялари* магистратура мутахассислигининг умумий таснифи	4
1.1	Қўлланиш соҳаси.....	4
1.1.1.	*70812306 – Сув тежамкор суғориш технологиялари* магистратура мутахассислиги малака талабларининг қўлланилиши.....	4
1.1.2.	Малака талабларининг асосий фойдаланувчилари.....	4
1.2.	*70812306 – Сув тежамкор суғориш технологиялари* мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятлари таснифи.....	4
1.2.1.	*70812306 – Сув тежамкор суғориш технологиялари* мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг соҳалари.....	4
1.2.2.	*70812306 – Сув тежамкор суғориш технологиялари* мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг объектлари.....	4
1.2.3.	*70812306 – Сув тежамкор суғориш технологиялари* мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг турлари.....	5
1.2.4.	*70812306 – Сув тежамкор суғориш технологиялари* мутахассислиги бўйича магистрларнинг касбий вазифалари...	5
2.	*70812306 – Сув тежамкор суғориш технологиялари* таълим мутахассислиги бўйича магистрларнинг касбий компетенцияларига қўйиладиган талаблар.....	7
2.1.	Умумий компетенциялар.....	7
2.2.	Касбий компетенциялар.....	7
	Библиографик маълумотлар.....	9
	Келишув вараги.....	10

1. *70812306 – Сув тежамкор суғориш технологиялари* магистратура мутахассислигининг умумий таснифи

70812306 – Сув тежамкор суғориш технологиялари магистратура мутахассислиги бўйича магистрлар тайёрлаш кундузги таълим шаклида амалга оширилади. Мутаҳассислик бўйича ўқитиш кредит-модуль тизими асосида ташкил қилинади. Магистратура дастурининг меъёрий муддати 2 йил.

1.1. Қўлланиш соҳаси

1.1.1. *70812306 – Сув тежамкор суғориш технологиялари* магистратура мутахассислиги малака талабларининг қўлланилиши.

Малака талаби 70812306 - *Сув тежамкор суғориш технологиялари* магистратура мутахассислиги бўйича магистрлар тайёрловчи барча олий таълим ташкилотлари учун талаблар мажмуини ифодалайди.

1.1.2. Малака талабнинг асосий фойдаланувчилари:

- мазкур магистратура мутахассислиги бўйича малака талаблари, ўқув режа ва ўқув дастурларини ишлаб чиқиш ва янгилаш, улар асосида ўқув жараёнини самарали амалга ошириш учун масъул ҳамда ўз ваколат доирасида битирувчиларнинг тайёргарлик даражасига жавоб берадиган олий таълим ташқилотинииг бошқарув ходиллари (ректор, проректорлар, ўқув бўлими бошлиги, деканлар ва кафедра мудирлари) ва профессор-ўқитувчилари;
- магистртура мутахассислигининг ўқув режа ва ўқув дастурларини ўзлаштирувчи олий таълим ташкилотиииг талаблари;
- магистратура битирувчиларнинг тайёргарлик даражасини баҳолашни амалга оширувчи Давлат аттестация комиссиялари;
- таълимни бошқариш бўйича ваколатли давлат органлари;
- олий таълим ташкилотларини молиялаштиришни таъминловчи органлар;
- олий таълим тизимини аккредитация ва сифатини назорат қилувчи ваколатли Давлат органлари;
- кадрлар буюртмачилари ва иш берувчи ташкилот ва корхоналар;
- олий таълим ташкилотларига ўқишга кираётган бакалавриат битирувчилари ва бошқа манфаатдор шахслар.

1.2. *70812306 – Сув тежамкор суғориш технологиялари* мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг таснифи.

1.2.1. *70812306 – Сув тежамкор суғориш технологиялари* мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг соҳалари:

– ***70812306 – Сув тежамкор суғориш технологиялари* магистратура мутахассислиги** –сув ресурсларини башорат қилиш, муайян табиий хўжалик шароитларида сув, ер ресурсларини бошқариш, сув тежамкор суғориш технологияларини қўллаш, сув ўлчов воситалари ҳамда қўрилмаларидан фойдаланиш, қишлоқ хўжалиги экинларини сувга бўлган талабидан келиб чиққан ҳолда қондириш, суғориладиган ерларни сув билан таъминлашни такомиллаштириш.

Сув тежамкор суғориш технологиялари мутахассислиги бўйича фан, техника ва технологияларнинг замонавий ютуқлари, кадрлар буюртмачилари талабларидан келиб чиққан ҳолда магистрларнинг касбий фаолият соҳаларида қўшимча ва ўзгаришлар бўлиши мумкин.

1.2.2. *70812306 – Сув тежамкор суғориш технологиялари* мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг объектлари:

– Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги тасарруфидаги ташкилотлари;
– Давлатлараро сув хўжалиги комиссияси;
– Ирригация тизимлари ҳавза бошқармалари;
– Амударё ва Сирдарё сув хўжалиги бирлашмалари;
– Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ва қишлоқ ва сув хўжалиги бўйича тармоқ илмий-тадқиқот ҳамда лойиҳа институтлари;
– Қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармалари;

– Сув хўжалиги ва мелиорация объектлари;

– Ирригация ва мелиорация соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар.

Мутахассислик бўйича фан, техника ва технологияларнинг замонавий ютуқлари, кадрлар буюртмачилари талабларидан келиб чиққан ҳолда магистрларнинг касбий фаолият объектларида қўшимча ва ўзгаришлар бўлиши мумкин.

1.2.3. *70812306 – Сув тежамкор суғориш технологиялари* мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг турлари

- Илмий-тадқиқот фаолияти;
- Ишлаб чиқариш-технологик фаолияти;
- Ташкилий-бошқарув фаолияти;
- Лойиҳалаш-конструкторлик-технологик фаолияти;
- Олий, малака ошириш ва қайта тайёрлаш таълим муассасаларида илмий-педагогик ҳамда ўрта махсус, касб-ҳунар таълим муассасаларида педагогик фаолият (ўрнатилган тартибда);
- Консалтинг хизмати фаолияти ва шукабиларни ўз ичига олади.

Сув тежамкор суғориш технологиялари мутахассислиги бўйичафан, техника ва технологияларнинг замонавий ютуқлари, кадрлар буюртмачилари талабларидан келиб чиққан ҳолда магистрларнинг касбий фаолият объектларида қўшимча ва ўзгаришлар бўлиши мумкин.

Сув тежамкор суғориш технологиялари мутахассислиги бўйича тайёрланган магистрлар касбий фаолиятларининг муайян турлари таълим жараёнининг манфаатдор иштирокчилари билан ҳамкорликда олий таълим муассасаси томонидан аниқланади.

1.2.4. *70812306 – Сув тежамкор суғориш технологиялари* мутахассислиги бўйича магистрларнинг касбий вазифалари:

70812306 – Сув тежамкор суғориш технологиялари мутахассислиги бўйича Миллий малака рамкасининг 7-малака даражаси ҳамда магистр касбий фаолиятларининг соҳалари, объектлари ва турларига мувофиқ магистратура битирувчиси қўйидаги касбий вазифаларни бажаришга қодир булиши лозим:

Илмий-тадқиқот фаолиятида:

– илмий-тадқиқотларни олиб бориш ва янги илмий-амалий натижаларни олиш;

– суғориладиган деҳқончиликда суғориладиган ерлар – мелиоратив ҳолати, суғориш сувидан самарали фойдаланиш бўйича ўз илмий нуқтаи назарига эга бўлиши ва таклиф бериш;

– илмий адабиётлар ёки илмий-тадқиқот лойиҳаларини таҳлил қилиш;

– илмий семинарларда иштирок этиш;

– илмий тадқиқот ишларининг натижалари бўйича илмий мавзуларга мос журналларга мақолалар тайёрлаш.

– ечилаётган илмий муаммолар ва топшириқларнинг концептуал ва назарий моделларини ишлаб чиқиш.

Ишлаб чиқариш-технологик фаолиятида:

– сув ресурсларини башорат қилиш ҳамда трансчегаравий сув объектлари даражасида сув ресурларини бошқариш тадбирларини ташкил этиш ва амалга оширишни ишлаб чиқиш;

– ер ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш сув тежамкор суғориш технологияларни амалга ошириш ва уларни ривожлантириш;

– ресурстежамкор сугориш технологияларини қўллаш ва такомиллаштириш;

– сув ва ер ресурсларидан фойдаланиш технологиялари, услуб, жиҳоз ва воситаларини жорий этиш, улардан фойдаланиш ва такомиллаштириш.

Ташкилий-бошқарув фаолиятида:

- ишлаб чиқариш жараёнларини самарали амалга ошириш учун зарур бўлган ишлаб чиқариш жараёнлари ва ресурсларини режалаштириш;

- сув тежамкор суғориш технологиясини замонавий ахборот технологиялари тизимини яратиш ва механизмларини ишлаб чиқиш;

- e-learning ва m-learning технологиялари асосида корпоратив ўқитишни ташкил қилиш ва корпоратив маълумотлар базасини ривожлантириш.

Лойиҳалаш-конструкторлик-технологик фаолиятида:

– сув ресурларини башорат қилиш ҳамда бошқариш ва улардан самарали фойдаланиш лойиҳаларини ишлаб чиқиш;

– илмий ва лойиҳавий-конструкторлик-технологик фаолият муаммоларини чуқур таҳлил қилиш, масалаларни қўйиш ва асослаш;

– илмий-тадқиқот: сув тежамкор технологиялар, усуллар ва тизимлари бошқариш, сув ва ер ресурсаридан самарали фодаланиш бўйича илмий-тадқиқотларнинг методологиясини ўзлаштириш;

– лойиҳавий ва дастурий ҳужжатларни ишлаб чиқиш;

– амалий тадқиқотлар олиб бориш, соҳанинг назарий ва амалий муаммоларини билиш, бугунги кун учун долзарб, ҳал этилиши лозим бўлган ва такомиллаштириш талаб этиладиган йўналишларга доир мавзуларни аниқлаш;

– илмий тадқиқот методлари ва методологияси, таълим-тарбияга доир назариялар, концепциялар, илгор тажрибалардан фойдаланиш;

– сув ресурларидан самарали фойдаланишда сув тежамкор суғориш технологияларитадбиқ қилинишини ташкил қилиш.

Олий, малака ошириш ва қайта тайёрлаш таълим муассасаларида илмий-педагогик ҳамда ўрта махсус, касб-ҳунар таълим муассасаларида педагогик фаолиятда (ўрнатилган тартибда):

- олий ва ўрта махсус,касб-ҳунар таълими тизимининг таълим муассасаларида мутахассисликка оид тайёргарлик йўналишида назарда тутилган ўқув фанлари бўйича назарий, амалий ва лаборатория машғулотларини ўтказиш;
- ўқув фанларини ўқитиш методикасини эгаллаши;
- замонавий ахборот ва педагогик технологиялардан фойдаланиб ноанъанавий ўқув машғулотларини ташкил этиш ва ўтказиш;
- ўқитилаётган фанлари бўйича машғулотларни ўтказиш учун зарур бўлган ўқув-услубий ҳужжатларни тайёрлаш ва расмийлаштириш;
- мутахассислик фанлари бўйича ўқув машғулотларини ўтказиш учун ўқитишнинг техник ва компьютер воситаларидан фойдаланиш;
- мустақил таълим ва ижодий изланиш натижасида ўқитилаётган фан ҳамда педагогик фаолият соҳасидаги турли усуллар, воситаларни ўзлаштириш ва бошқа соҳаларда ўз-ўзини мунтазам ривожлантириб бориш;
- узлуксиз таълим тизимининг Давлат талим стандартилари, Давлат талаблари ва бошқа ўқув-меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқиш;
- ирригация ва мелиорация соҳасида магистр ихтисослигига мос мавзулардаги лойиҳаларни экспертиза қилиш бўйича эксперт гуруҳларида иштирокчи сифатида қатнашиш.
- сув тежамкор суғориш технологиялари жорий этиш.

Консалтинг хизмати фаолиятида:

- мутахассислик бўйича мелиорация ва суғорма деҳқончилик соҳасида мавжуд ҳолатнинг таҳлилий шарҳини ишлаб чиқиш;
- мелиорация ва суғорма деҳқончилик соҳасида магистр ихтисослигига мос мавзулардаги лойиҳаларни экспертиза қилиш бўйича эксперт гуруҳларида иштирокчи сифатида қатнашиш;
- мутахассислик бўйича мелиорация ва сугорма деҳқончилик соҳасида суғориш тармоқларини ва коллектор зовурларидан оқилона фойдаланиш, таъмирлаш ишлари ва реконструкция қилиш бўйича эксперт гуруҳларида иштирокчи сифатида қатнашиш;
- суғориш техника ва технологияларни лойиҳалаш ва ҳисоблаш, жумладан лойиҳалаш ва ҳисоблаш ишларини автоматлаштириш жараёнларини ўрганиш, илмий асосланган тавсиялар яратиш ва уларни ишлаб чиқаришга жорий этиш;
- таъмирлайдиган, қайтадан ва янгидан қуриладиган мелиорация ва гидромелоратив тизимлар объектларнинг инженерлик дизайнини таъминлаш;
- мелиорация ва суғорма деҳқончилик объектларнинг инженерлик сервисини

таъминлаш;

- ихтисосликка мос мавзу бўйича консалтинг, инженерлик дизайн, инженерлик сервис ҳизматларини кўрсатиш.

- мутахассислик бўйича сув ресурслари ва улардан фойдаланиш соҳасида мавжуд ҳолатнинг аналитик шарҳини ишлаб чиқиш.

2. *70812306 – Сув тежамкор суғориш технологиялари* таълим мутахассислиги бўйича магистрларнинг касбий компетенцияларига қўйиладиган талаблар

2.1. Умумий компетенциялар:

- илмий дунёқарашга доир билимлар тизимини эгаллаган бўлиши, умумметодологик фанлар асосини Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш стратегияини, давлат сиёсатининг долзарб масалаларини билиши; ижтимоий муаммолар ва жараёнларни мустақил таҳлил қилиш қобилиятига эга бўлиши;

- ижтимоий муаммолар ва жараёнларни мустақил таҳлил қилиш қобилиятига эга бўлиши;

- миллий маънавий ва умуминсоний қадриятлар бўйича ўз нуқтаи назарини оғзаки ва ёзма баён этиши, миллий ғоянинг назарий асосларни англаган ҳолда "Озод ва обод ватан, эркин ва фаровон ҳаёт қуриш" бош ғоясининг моҳиятини ҳамда унинг асосий гоялар билан мутаносиблиги ва фарқини билиши;

- табиат ва жамиятда юз бераётган жараён ва ҳодисалар ҳақида яхлит тасаввурга эга бўлиши, инсоннинг маънавий қиёфаси ҳақида билимларга эга бўлиши, улардан ҳаётда ва касбий фаолиятида ҳамда замонавий илмий тадқиқотларда фойдалана олиши;

- янги билимларни мустақил ўзлаштира олиши, такомиллаштириши ва ўз меҳнатини илмий асосда ташкил қила билиши;

- ўз фаолиятида меъёрий ҳуқуқий ҳужжатлардан фойдалана билиши;

- фикрлаш маданияти, муайян тафаккур услубига, оғзаки ва ёзма нутқини аниқ баён қилиш қобилиятига эга бўлиши;

- ўзлаштирилган билимларни ижодий танқидий кўриб чиқиш ва таҳлил қилиши, улардан илмий фаолиятида фойдалана олиши;

- илмий фаолияти натижаларини ҳис қилишга йўналтирилган ижтимоий масъулият шаклланган бўлиши;

- касбий фаолиятда ўзлаштирган фанларнинг асосий қонунларидан фойдаланиши, методларни таснифлаши, методологик тамойиллардан илмий фаолиятида фойдалана олиши;

- хорижий тиллардан бирини илмий мулоқот ва касбий малака алмашиш воситаси сифатида эгаллаган бўлиши;

- ахборот тизимлари, ахборот технологияларилан илмий-тадқиқот, педагог фаолиятида фойдалана олиш;

- ахборотни тўплаш, сақлаш, уларга ишлов бериш ва улардан фойдаланиш усулларини эгаллаши.

2.2. Касбий компетенциялар:

- педагогик фаолиятда таълимнинг инновацион усулларидан фойдаланиш, янги педагогик, ахборот ва интернет технологияларини тадбиқ этган ҳолда ташкил этиш;

- ўзининг касбий фаолиятида асосли мустақил қарорлар қабул қила билиши;

- ахборот, билим, маълумотни бир-биридан фарқлаш малакасига эга бўлиши, ахборот технологияларидан фойдалана олиши;

- бугунги ахборотлашган жамият шароитида ахборот технологияларининг моҳияти ва аҳамиятини тушуниш, ахборот хуружи хавфи ва таҳдидларни англаш, ахборот хавфсизлигининг асосий талабларига риоя қилиш қобилиятига эга бўлиши;

- интернет тармоғидан ахборотларни олиш, сақлаш, қайта ишлашнинг асосий усуллари ва воситаларига эга бўлиши, ахборотни бошқариш воситаси сифатида компьютер билан ишлаш кўникмаларига эга бўлиши;

- педагогик фаолиятида ахборот, педагогик технологиялар ва педагогик маҳоратдан фойдаланиши;

- таълим сифати ва самарадорлигини оширишга инновацион ёндашиши;
- илмий фаолияти натижалари бўйича давлат ва хорижда эълон қилинган лойиҳаларда иштирок этиш учун лойиҳа тайёрлаши;
- патент олиш учун иш меъёрий ҳужжатлар тайёрлай олиши;
- давлат, нодавлат ва нотижорат ташкилотлари томонидан эълон қилинган лойиҳаларда иштирок этиш учун лойиҳа тайёрлаш малакаларига эга бўлиши лозим.

Библиографик маълумотлар

УДК: 002:651.1/7 Гурух Т 55

ОКС 01.040.01

Таянч сўзлар:

касбий фаолият тури, компетенция, модуль, таълим йўналиши, касбий фаолият объекти, касбий фаолият соҳаси, магистратуранинг ўқув режа ва фан дастури (магистратура дастури), профиль, ўқиб-ўрганиш натижалари, ўқув цикли,ирригация, мелиорация, сув хўжалиги, сув ресурслари, суғорма деҳқончилик, сув тежамкор суғориш технологиялари,сув ресурсларини бошқариш, самарали фодаланиш, суғориш тизимлари, ерларни текислаш, шўр ювиш, сизот сувлари, методология, илмий бошқариш, ахборот-коммуникатив тизимлар, замонавий тадқиқот методлари, ахборот ва замонавий педагогик технологиялар, моделлар ва моделлаш, фан ишчи дастурлари, замонавий ўлчов асбоблари, илмий-тадқиқотларни ташкил қилиш, виртуал электрон билим манбалари, дидактика, назария.

Ишлаб чиқувчилар, келишилган асосий кадрлар истеъмолчилари

ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН:

Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти

Ректор_____проф. Ў.П.Умурзаков

М.Ў. 202_ йил «_____» _____

Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги

Вазир ўринбосари_____А.С.Назаров

М.Ў. 202_ йил «_____» _____

КЕЛИШИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Олий таълимни ривожлантириш тадқиқотлари ва илғор технологияларини татбиқ этиш маркази

Директор_____ М.Эсонов

М.Ў. 202_ йил «_____» _____

Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги Кадрлар ва таълим муассасалари бошқармаси

Бошлиқ _____Х.Лапасов

М.Ў. 202_ йил «_____» _____

Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги Сув тежовчи ва илмий-инновацион лойиҳаларни ривожлантириш бошқармаси

Бошлиғи _____ Ш.Усманов

М.Ў. 202_ йил «_____» _____

Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги Сувни тежайдиган суғориш технологияларини жорий этиш бошқармаси

Бошлиғи _____ Т.Қаюмов

М.Ў. 202_ йил «_____» _____

"Сувлойиҳа" ДУК бош

Директор_____Х.Таджиев

М.Ў. 202_ йил «_____» _____

Ирригация ва сув муаммолари илмий-тадқиқот институти

Директор _____ А.Уразкелдиев

М.Ў. 202_ йил «_____» _____